

## САНОАТ КОРҲОНАЛАРИ РИВОЖЛАНГАН ШАҲАРЛАРНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ВА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Ер юзида яшовчи аҳоли сонининг шаҳарларга тугри келадиган қисми тобора ошиб бормокда. 1800 йилга жами аҳолини  $1/20$  қисми, 1987 йилда аҳолининг деярли  $1/3$  қисмини шаҳарда яшаган булса, 2010 йилга келиб дунё аҳолисининг  $1/2$  қисми шаҳарларда яшамокда.

# Шахар ичидаги ҳолат

## ■ Шахар ичида юкори:

- температура-1-4<sup>0</sup> Сга юкори;
- чанг микдори 10 марта ортик;
- газ микдори 5-20 марта куп.

## Шахар ичида паст:

- шамол тезлиги-10-40% га паст;
- нисбий намлик-2-8% га кам;
- куёш радиацияси-5-30% га кам;
- кор-5%га кам ёгади.

# Шахарда хосил буладиган шовкиннинг салбий таъсири

Санитария қоидасига мувофиқ хона ичидаги шовқин 30-40 дБ, мавзеларда 45-55 дБ бўлмоғи лозим. Шовқиннинг 60-80% и машина ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, серқатнов йўлларда 80-90 дБ гача, юк машиналаридан тарқалган шовқин эса 105 дБ гача боради. Шовқин 90 дБ дан ошса, асаб ва эшитиш органларига салбий таъсир этади, 130 дБ дан ошганда кишилар организмида кескин ўзгаришлар рўй беради, 180 дБ дан ошганда тўқималар парчаланиб, ўлиш рўй бериши мумкин.

# Дарахтларнинг шаҳар экологиясига таъсири

## Дарахт фойдали жихатлари:

- Тоза кислород чиқаради;
- Хавони тозалайди;
- Шовкинни камйтиради;
- Чангни ушлайди;
- Заҳарли газларни ютади.

■ Аҳолиси 100 000 киши булган шаҳарга хар куни тахминан 625 минг тонна сув, 2 минг тонна озик-овқат, 10,6 минг тонна ёқилғи келтирилиб, 500 минг тонна сув, 200 тонна ахлат, 950 тонна газ ва кукунлар чиқарилади.

## Бизнинг шаҳарлардаги сув исрофи

Дунё миқёсида киши бошига бир йилда ўрта ҳисобда 11 минг м<sup>3</sup> сув тўғри келса, бизда бу ракам 18 минг м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳар бир киши бошига (турли эҳтиёжлар кўзда тутилиб) кунига 350-400 литр сув берилади. Шундан 4-10 литри ичилади. Ювенил вақтида жўмрак ва душлардан бекорга сув оқиб 80% сув исроф бўлади. Масалан, 40-50 минут душ тагида чўмилганда 5 минг литргача, тиш ювилганда 20-30 литргача ичимлик сув сарфланади.

- Қурилишнинг 11-31-74 қойдасига биноан уйларнинг қулайлиги ошган сари сув сарфи миқдори 125-160 литрдан 230-350 литргача ошиб боради. Дунё бўйича ўтказилган синовларнинг натижасига кўра, маиший зарурият учун киши жон бошига 130 литр сув етарли экан. Лекин бизда сантехник қурилмаларнинг ёмон ишлаши, шаҳардаги ариқларнинг йўқотилиб, экинларни ичимлик суви билан суғориш, сувнинг кўплаб исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

- Маълумотларга қараганда Стокгольм шаҳридан йилига 850 минг м<sup>3</sup> қор Маларен кўлига чиқариб ташланади. Бу қорда 30 т кўрғошин, 6 т нефть маҳсулоти, 130 т туз ва кўп миқдорда қаттиқ жинслар бор.

Маълумотиларга кўра Тошкент вилоятида йилига чиқадиган 5 млрд м<sup>3</sup> чиқинди сувидан фақат 1% дан ками (680 минг м<sup>3</sup>) тозаланади. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Оҳангаронга ҳар куни окизилаётган 5 млн. м<sup>3</sup> оқова сувдан 500 минг м<sup>3</sup> тозаланмайди.



# Шаҳардаги ахлат муаммоси

Шаҳар экологияси муаммоларидан бири унинг худудини ахлатлардан тозалашдир. Аҳолиси 1 млн. киши бўлган шаҳардан чиққан ахлатга йилига 40 гектарга яқин ер ажратилади. Мамлакатимиздан ҳам йилига 30 миллион тонна коммунал хўжалик чиқиндилари чиқиб, унинг 10% дан ортиқроғи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Чиқиндиларнинг 40% қоғоз чиқиндилари, 25-40% озиқ-овқат чиқиндилари, 4-5% ҳар хил ахлат ва кийим қолдиқлари, 4-5% қора ва рангли маъдан, шиша синиқлари, 1-2% ни пластмасса ташкил қилади.

- Ахлат ёндирилганда унинг ҳажми 3 баробар камаяди. Аммо унинг ҳажмини камайтириш учун ёқиш ҳавони ифлослантиради, инсон саломатлигига зарар келтиради. Уларни ёндирмай саралаб, хом ашё сифатида ишлатилса, 5-6 баробар арзон маҳсулотга айланади

Бундай ишлар қисман Тошкент шаҳрида йўлга қўйилган. Чиқиндини қайта ишловчи заводларнинг қуввати кам бўлгани учун ахлатлар ахлатхоналарга ва жарликларга ташланмоқда, оқибатда атроф-муҳит ифлосланмоқда.